

---

"Ташаббусли бюджет"да Марғилон шаҳрида 16 та лойиҳалар юқори овоз тўплаб ғолиб деб топилди ва мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун 19 млрд 883 млн.сўм маблағ ажратилади.

Хабарингиз бор "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида фуқаролар томонидан Республикамиз бўйича 16 мартдан 4 апрелга қадар ўзлари илгари сурган лойиҳаларга овоз бериш жараёнлари амалга оширилди.

Марғилон шаҳрида ҳам 161 та лойиҳалар илгари сурилиб овоз бериш жараёнларида 63 мингдан ортиқ фуқароларимиз фаол иштирок этдилар. Овоз бериш якунлари бўйича 16 та лойиҳалар юқори овоз тўплаб ғолиб деб топилди.

Барча ғолиб бўлган таълим муассасалари ҳамда тиббиёт муассасаларини муборакбод этамиз.

2024-04-08 16:51:45